

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 23 август, № 165 (4318)

Пайшанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шухратини юксалтириш, ислохотларни янада чуқурлаштириш, давлат ва халқ олдидagi улкан хизматлари, темир йўл транспорти соҳасини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси ҳамда «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўли қурилишидаги қаҳрамонона меҳнати учун «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг 166-йўл машина станцияси темир йўл қуриш механизми машинисти **Маҳкамов Ҳамза Ҳайтовичга** «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон — «Олтин юлдуз» медали топширилсин.



Маҳкамов Ҳамза
Ҳайтович

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И. КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2007 йил 22 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўли қурилишида алоҳида ўрнатилган кўрсатган бир гуруҳ ишчи- хизматчиларни мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш ва ислохотларни амалга оширишдаги катта хизматлари, кўп йиллик самарали меҳнати билан темир йўл транспорти ҳамда қурилиш соҳаларини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи»

Мейлиев Рустам Расуллович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси 214-йўл машина станциясининг прораби
Шодманов Нemat Шайимович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси 17-йўл машина станциясининг йўл соловчиси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими»

Темиров Азамжон Турдиевич — «Узавтойл» давлат акциядорлик компанияси Тошкент кўприк ҳўжалигини таъмирлаш корхонасининг бўлдозери

Шукров Акбор Сафарович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси бош муҳандиси-бош менежери

Кўп йиллик самарали меҳнати ва мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини янада юксалтириш, республикамиз темир йўл транспорти соҳасига илғор технологияларни жорий этишда эришган ютуқлари, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик фазилатларини намойиш этиб, жамиятимизда миллатлараро тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаятигани учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Зияев Юсуп Мингабиллович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси 166-йўл машина станцияси машинисти

Курбанов Азимбой Янгибекович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси йўл ҳўжалиги бошқармасининг бошлиғи

Маллаева Миновар Аминовна — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси 166-йўл машина станциясининг кран машинисти

Пўлатов Нормурот Бахронович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси 17-йўл машина станциясининг йўл устаси

Раматов Ачилбай Жуманиязович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси

Юсупов Илхом Турсунович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Қарши алоқа ва сигналлаштириш масофаси катта электромеханиги

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Арслонов Ибодулло Гуламович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси «Қарши — Термиз» минтақавий темир йўл тармоғи бошлиғи

Кожамуратов Полатбай Ережолевич — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси 279-йўл машина станциясининг кран машинисти

Мадрасулов Рустам — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси махсус механизациялашган йўл станцияси устаси

Реджабаев Равшан Рашитович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси махсус механизациялашган йўл станцияси устаси

Салиев Хикматилло Насирович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Алоқа ва сигналлаштириш марказининг бош муҳандиси

Сафаров Муродулло Бердиевич — Қарши 2-кўча механизациялашган корхонаси бошлиғи

Ходжамуратов Холмузин Джумаевич — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси 166-йўл машина станциясининг йўл таъмирловчиси

(Давоми 2-бетда).

«Келажак овози — 2007»: ОРЗУЛАРИ БИР ОЛАМ

Пойтахтимиздаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида жойлашган «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ҳамгармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилган «Келажак овози — 2007» танловининг вилоят саралаш босқичлари якунига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда танловнинг Жамоатчилик кенгаши аъзолари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Бу танлов ёшларнинг орзу-истакларини рўйга чиқаришга хизмат қилади, — дейди «Келажак овози» танлови Жамоатчилик кенгаши аъзоси, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Минқожиқдир Мирзо. — Ҳеч ўйлаб қурганимиз, нимага собиқ мустабид тузум даврида Руслан Чагаевдек, Рустам Қосимжоновдек ёшлар ўша иқтисодий ёшлар етишиб чиқмаган. Уш пайтда бундай истеъдодли фарзандларимиз кўп эди. Бирок уларни қўллаб-қувватловчи тизим шаклланибди.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, «Келажак овози» танловида 2005 йилда

3 минг, 2006 йилда 10 минг йилгит-қиз қатнашган бўлса, жорий йилда уларнинг сони 30 минг нафарга етди. Танловда ёшларнинг энг кўпи «Бадий ижод ва публицистика» (9211 нафар) ҳамда «Тасвирий ва амалий санъат» (8245 нафар) йўналишларида қатнашдилар. Декабр ойида пойтахтимизда ўтказилган республика босқичида 500 нафар йилгит-қиз йўналишга олди.

Анжуман якунида оммавий ахборот воситалари ходимлари томонидан танловга «Хўқуқ» йўналишини киритиш бўйича таклиф билинди.

Эслатиб ўтамиз, жорий йилда «Келажак овози» танлови «Спорт» йўналиши киритилди. Бундан ташқари, танлов ғолиблари Республика ташкил муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси қарорига биноан мамлакатимиз олий ўқув юртиларига тест синовларисиз кириш имкониятига эга бўлидилар. Шунингдек, ҳар йили ёз фаслида «Келажак овози» ёзи лагерьининг ташкил этилиши ҳам ёшларни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этади.

Омонулло ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Водийларни яёв кезганда...

Бухорода кунлар иссиқ. Ҳали чиланинг забти қайтгани йўқ. Аммо деҳқон иссиқни ўйламайди, ўзини пананага олмайди. Ажаб, у шу хислати билан новвойни эслатади. Иккаласининг ҳам зуваласи қайноқ меҳнатда пишган, оловда тобланган... Бухоронинг тунлари салқин. Шабадаси бирам ёқимли. Деҳқоннинг эса кўзларига уйқу келмайди. Эл ризқини нобуд қилмай йиғиштириб олай, дейди. Ажаб, деҳқон новвойга ўхшайди. Иккаласи ҳам қизарган, уйқуга тўймаган кўзлар билан тонгни қарши олади...


Қутлуг воқеа

Иқтисод алоқасининг негизда, шубҳасиз, ишлаб чиқариш ётади. Ишлаб чиқариш эса иқтисодиёт пойдеворидир. Негаки, иқтисодиёт айнан ундан куч-қувват олади. Юртбошимиз «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг ишга туширилиши Ўзбекистон тарихидagina эмас, балки ҳар биримизнинг тарихимизда ва тақдиримизда юз берган қутлуг воқеадир» деганларида, масаланинг шу жиҳатини ҳам назарда тутганлар, албатта.

— Заводимиз 1997 йил августда ишга тушган, — дейди мазкур корхона директори Ш.Сайдахмедов. — Бундай катта корхонанинг икки йил ичида фойдаланишга топширилишининг ўзи мўъжизадир. Завод бир йилда 2,5 миллион тонна нефтни қайта ишлаш қувватига эга. Уни барпо этишда Франция, АҚШ, Туркия давлатларининг фирма ва компаниялари қатнашгани ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Ҳақиқатан ҳам, чет эллик ҳамкорлар иштирокида энг замонавий технологиялар билан жойлашган бу корхонанинг мамлакатимиз нефть мустақиллигига эришишдаги ўрни ва аҳамияти беқийсдир. Мустақуллик шарофати билан барпо этилган гигант корхона тўлафайли мамлакатимиз ўзининг нефть маҳсулотларига бўлган эҳтижини қондирибгина қолмай, хатто четта дизель ёнилғиси экспорт қила оладиган давлатга айланди. Завод аҳамияти мана бу даражада янада яқол кўзга ташланади: илгари республикамиз ўзининг нефть маҳсулотларига бўлган талаби-

УЛУҒЛАРИНИ УЛУҒЛАГАН ЭЛ



нинг атиги 15-20 фоизини қондира олар, дизель ёнилғиси эса пахта толаси эвазига четдан келтирилади. **Бизнинг шарҳ.** Жорий йилнинг ўтган олти ойида заводда нефть ва газ конденсатини қайта ишлаш суърати 2006 йилнинг шу давридагига нисбатан 117 фоизни ташкил этди. Қутиллаётган соф фойда 70 миллиард сўм бўлиб, бу ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 45,8 миллиард сўм кўпдир.

Таъкидлаш керакки, заводнинг ишга тушиши билан Қоровулбозор шаҳарчаси қиёфаси тубдан ўзгарди. Ёшлар маркази, замонавий шифохона, барча қулайликларга эга коттежлар, қатор маданий-маиший объектлар турли миллион вакиллари тинч-тотув яшаётган бу масканга узукка кўз қўйгандек ярашиб

тушди. Яқинда эса завод хомийлигида яна бир эзгу ниат амалга ошди. 160 нафар ўқувчига мўлжалланган иқтисодий болалар мактаб-интернати биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Вилоятда фаолият кўрсатаётган шу йўналишдаги мактаб-интернатнинг ўттиз биринчисига ҳайрат ва ҳавас билан қарайсан, киши. Бу ерда келажакимиз эгаси саналган ёш авлод сабоқ олади ва юрт номини жаҳонга ёяди.

Бизнинг шарҳ. Бугунги кунда вилоятда 49 та касб-ҳунар коллежи, 5 та академик лицей фаолият кўрсатаётган. Жорий йилда эса сақизта касб-ҳунар коллежи ва битта академик лицей қурилиб, фойдаланишга топширилди.

(Давоми 2-бетда).

Олий Мажлис Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси олтидан

ХАЛҚ СОҒЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

Маълумки, ҳар бир қонун жамият ҳаётининг у ёки бу жиҳатига ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Шу маънода, уларнинг барчаси бизни қизиқтириши табиий. Аммо айрим қонунлар борки, аҳолининг барча қатламлари манфаатига бевосита таъсир этиши билан жамият аъзоларининг қўлчилигида алоҳида эътибор уйғотади. Сенатнинг ўн биринчи ялпи мажлиси муҳокамага киритилган «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Қонуни ана шундай ҳужжатлар қаторига киритиш мумкин.

Мухбиримизнинг Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Ҳаётхон ОРТИҚБОВЕВА билан қилган суҳбатда мазкур қонунга киритилаётган ўзгартишлар сабаби ва унинг аҳамияти хусусида бўлди.

— Маълумки, бугун мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар ҳам ўз натижасини бермоқда, — дея гап бошлади Ҳаётхон Ортиқбоева. — Бу ислохотлар инсон учун, унинг манфаати, турмушининг фаровонлигини таъминлашга қаратилганлиги барчамизга кундек равшан. Шу боис, мамлакатимиз парламенти томонидан бу борада қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Шулардан бири 1996 йилда қабул қилинган «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Қонундир.

Очиги, ушбу Қонун ўтган вақт ичида жуда кўп муаммолар ечилишига ёрдам берди.

Лекин эътибор беринг: ҳозир ҳаётимиз ой сайин эмас, кун сайин шиддат билан ўзгараётган. Иқтисодий муносабатлар шакли ҳам, мазмуни ҳам шунга ҳамроҳанг янгилашиб бормоқда. Эеро, Қонун тараққиётдан орқанда қолмаслиги керак. Аксинча, у етакловчи куч бўлмоғи лозим.

— Ҳўш, Қонундаги ўзгартишлар нимадан иборат бўлди?

— Биласизми, бу ўзгартишлар мамлакатимизда хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва давлат иқтисодиётида хусусий секторнинг молиявий улуши ўсиб боришини ҳамда фуқароларнинг тиббиёт муассасаларини танлаш бўйича конституциявий ҳуқуқини таъминлашни янада кучайтириш ва тиббий ёрдам сифатини оширишга йўналтирилган.

(Давоми 2-бетда).

«ЭНГ УЛУҒ ВА ЭНГ АЗИЗ» ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ватанимиз Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмалари, Миллий телерадиокомпания, Ўзбекистон Бадий академияси, Ёзувчилар уюшмаси, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ҳамкорлигида ўтказилган «Энг улуг ва энг азиз» кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Бобур Алимов, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Фуломов Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани сингари оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ходимларни ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

Мамлакатимизда пинчлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш йўлида эришилган улкан ютуқ ва натижаларни ҳаққимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этиш, ватандошларимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онига бебаҳо неъмат бўлиши мустақиллигининг беқийс аҳамиятини сингдиришда ижод аҳлининг ўрни беқийсдир.

Уч йилдан буён илчил

ўтказиб келинаётган «Энг улуг ва энг азиз» республика кўрик-танлови боғида самарали фаолият кўрсатаётган ижодкорларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш имконини бермоқда. Юртбошимизнинг 2007 йил 30 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллик байрамига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига қўра, мазкур танлов жорий йилда янада юксак савияда ташкил этилди. Бу йилги танловга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан беш миңга яқин ижодий ишнинг келгани беллашувининг юртимизда тобора оммалашиб бораётганидан далолат беради.

Тадбирда танлов ғолибларига диплом ва совринлар топширилди. Совриндорлар кўрсатилаётган эътибор ва гамҳўрлик учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирилди.

(Ўз).

2-бетга қаранг. ►►


Самарқанд томонларда

Самарқанд шаҳридаги темир-бетон конструкциялари комбинатида пишиқ ва сифатли қурилиш ашёлари тайёрланмоқда.

Сифатли қурилиш ашёлари

20 хилдан ортик қопламалар, пойдевор блоклари ва бошқа турдаги материалларга давлат сертификати берилган.

Корхона маҳсулотларига талаб ошиб бормоқда. Айни пайтда Жиззах, Бухоро, Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларига ҳам темир-бетон конструкциялари етказилиб берилмоқда.



Ойнаванд бекатлар

Кўча Самарқанд кўтулуғи 2750 йиллик тўй олдидан ҳар жиҳатдан кўркамлашиб борапти.

Айни пайтда бир хил кўринишда барпо этилаётган ойнаванд автобус бекатлари ҳам шаҳар кўчалари чиройи чирой кўшапти.

Ҳозиргача бундай бекатларнинг 50 таси қуриб битказилди. Яна 12 та бекатда пардозлаш ва ўриндикларни жойлаштириш ишлари олиб борилмақда.

Абдуросул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ИНСОН МАНФААТЛАРИ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш марказида «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган ҳатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисидаги қонунчиликнинг амалга оширилиши устидан мониторинг натижалари» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Адлия вазирлиги ўринбосари — Марказ директори Х. Исоқов бошқарган давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳокимликлари, шунингдек, суд ва ҳуқуқчи муҳофазаси қилувчи бошқа идоралар вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатлари олий қадрият ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг конститу-

циявий ҳуқуқларини, жумладан, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг рағбирқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқининг тўла амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратилишини таъқозо этади. Шундан келиб чиққан ҳолда, Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш маркази ишлари, давлат божхона хизмати органлари ҳамда Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳокимликларида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бу-

Жараён

зудиган ҳатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисидаги қонунчиликнинг амалга оширилиши юзасидан мониторинг ўтказилди. Мониторинг давомида Конституциянинг 44-моддаси, «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган ҳатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисидаги қонун» ва фуқароларнинг мурожаатларига оид бошқа қонун ҳужжатларининг амалга оширилиши аҳоли ўрганилди.

Давра суҳбатида фуқароларнинг ҳуқуқий оғи ва давлат органларига нисбатан ишончи ортиб бораётганини баъорбарда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган ҳатти-ҳаракат ва қарорлар устидан давлат органларига, шу жумладан, судга шикоят қилиш соҳасида му-

еҳимини кутаётган бир қатор муаммолар мавжудлигига эътибор қаратилди. Фаолиятни ўрганилган идораларда фуқароларнинг мурожаатлари бўйича статистика маълумотлари юртимиздаги ҳатти-ҳаракатлар давлат органлари ва фуқаролардан келиб тушган мурожаатларнинг қўрилишига бирдек муносабатда бўлмастик, шунингдек, шикоятларни қўриб чиқиш у-ун ҳатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят қилинган давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ўзига юбориш каби қонунбузарликлар мавжудлиги танқид остига олинди.

Давра суҳбатида фуқароларнинг шикоятлари юзасидан хизмат текшируви ўтказиш тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш долзарблиги алоҳида таъкидланди. Хизмат текширувлари ўтказиш мезонларини, асослари ва сабабларини белгилаш ҳамда мазкур жараёнда фуқароларга нисбатан ортқча талаблар қўймаслик зарурлиги қайд этиб ўтилди.


Э. БОЛИЕВ.



Мамлакатимиз тўлов тизими ривожланишида банк пластик карточкалари аҳамияти жуда муҳимдир. Чунки пластик карточкалар, биринчидан, аҳолига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни, стипендия ва нафақа тўловларини ўз вақтида тўлаш имкониятини берса, иккинчидан, аҳоли томонидан коммунал тўловларни ўз вақтида тўлаш, савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатувчи корхоналарда харид қилинган товарлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича тўловларни тезкор услул ва кенгайтиришда «Асака» акциядорлик тижорат банки фаол иш олиб бормоқда.

ҚУЛАЙ, ФОЙДАЛИ, ТЕЗКОР УСУЛ

Пластик карточкалар тизимини ривожлантириш «Асака» банк фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир



«Асака» банк тизимида 1999—2005 йиллар давомида пластик карточкалар бўйича нақд пулсиз тўлов айланмаси 5,96 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 2006 йилнинг ўзига 13,6 млрд. сўмни, 2007 йилнинг 8 ойида эса 13,9 млрд. сўмни ташкил этади. «Асака» банк томонидан бугунги кунгача 212 мингдан ортик пластик карточкалар муомалага чиқарилди. Савдо ва маиший хизмат кўрсатувчи корхоналар, АЁҚШ бўлимлари, жамғарма ва коммунал тўловлар қабул қилувчи шохобчаларга 1750 тадан зиёд терминал ўрнатилди.

«Асака» банк тизимида 1999—2005 йиллар давомида пластик карточкалар бўйича нақд пулсиз тўлов айланмаси 5,96 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 2006 йилнинг ўзига 13,6 млрд. сўмни, 2007 йилнинг 8 ойида эса 13,9 млрд. сўмни ташкил этади. «Асака» банк томонидан бугунги кунгача 212 мингдан ортик пластик карточкалар муомалага чиқарилди. Савдо ва маиший хизмат кўрсатувчи корхоналар, АЁҚШ бўлимлари, жамғарма ва коммунал тўловлар қабул қилувчи шохобчаларга 1750 тадан зиёд терминал ўрнатилди.

O'ZSANOATQURILISHBANK

«Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлари диққатига!

Ҳурматли акциядорлар, банк кенгаши сизга ўз эҳтиромини изҳор этади ва ушбу орқали банк акцияларининг номинал қийматини ошириш ва нақдсиз шаклга ўтказишга тегишли 2007 йил 11 майда бўлиб ўтган акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари ижросининг бажарилиши бўйича қуйидагиларни маълум қилади:

- 1. 2007 йил 15 августда I-VIII эмиссия рисолаларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан рўйхатдан ўтганлиги муносабати билан банк акцияларининг қиймати 500,0 (беш юз) сўмга ошган ҳолда унинг номинал қиймати 2.000,0 (икки минг) сўм қилиб белгиланди. Шунингдек, банкнинг нақд шаклда чиқарилган акциялари нақдсиз шаклга ўтказилганлигини маълум қилади.

Шу муносабат билан, сиздан депо ҳисоб рақамини очиб ва банк акцияларига мулккий ҳуқуқни қайта расмийлаштириш учун «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг тегишли филиалларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишингизни сўраймиз:

- Жисмоний шахслар: - паспорт (манзили кўрсатилган ҳолда) нусхаси; - банкнинг нақд шаклдаги акция сертификати бланкалари асл нусхалари.
- Юридик шахслар: - юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақида гувоҳнома нусхаси; - Давлат бош хисоблаш маркази томонидан берилган гувоҳнома нусхаси; - корхонанинг нотариал тасдиқланган таъсис ҳужжатлари (ўзгартириш ва қўшимчалари билан) нусхалари; - нотариал тасдиқланган муҳр ва имзо намуналари картаси; - банкнинг нақд шаклдаги акция сертификати бланкалари асл нусхалари.

Акциядор нақд шаклдаги акция сертификати бланкаларини йўқотган ҳолда:

- жисмоний шахслар тегишли филиал бошлиғи номига йўқотганлиги тўғрисидаги ариза ва акция сотиб олганлигини тасдиқловчи шартнома нусхасини тақдим этишлари лозим;
- юридик шахслар тегишли филиал бошлиғи номига йўқотганлиги тўғрисидаги хат ва акция сотиб олганлигини тасдиқловчи шартнома нусхасини тақдим этишлари лозим.

Акциядорлар томонидан юқорида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг банк «Neftgazderozit» ШК иккинчи даражали депозитарияси билан бирга акциядорлар мулккий ҳуқуқини ифодаловчи гувоҳномани расмийлаштиради. Ушбу ҳужжатлар тегишли тартибда расмийлаштирилгандан сўнг банк акциядорларига реестрдан кўчирма ва гувоҳнома тақдим этилади.

Эслатиб ўтамизки, юқорида кўрсатилган амалиётлар банк акциядорлари учун бепул амалга оширилади.

- 2. Банк кенгашининг 2007 йил 26 июлдаги 4/2007-сонли қарорига биноан банк имтиёзли акциялар бўйича йиллик 24 фоиз ҳисобидан 2007 йил 1-чораги учун 6 фоиз миқдордаги оралик дивиденд тўланиши тўғрисида эълон қилади. Дивидендларни 2007 йил 31 март ҳолатига ёпилган акциядорлар реестрида мулккий ҳуқуқлари акс эттирилган акциядорлар олишлари мумкин.

Ушбу масалаларга доир саволлар бўйича бош банк ва унинг жойлардаги филиалларига мурожаат этишингиз мумкинлигини маълум қиламиз.

Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 120-45-07, 120-36-06.

Банк кенгаши.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Вертолёт ҳалокати

Ироқда АҚШнинг UH-60 Black Hawk вертолётни қулаб тушиди. Натижада 14 нафар америкалик ҳарбий хизматчи ҳалок бўлди.



Бу ҳақда Associated Press хабар тарқатди. Маълумотларга қараганда, вертолётга ердан ҳам, ҳаводан ҳам ҳужум уюштирилмаган. Диваннинг ишламай қолиши унинг ҳалокатига сабаб бўлган.

Associated Press маълумотларига кўра, 2003 йилнинг март ойидан буён Ироқда 3721 нафар АҚШ-лик ҳарбий ҳалок бўлди.

Президент талаби

Украина президенти Виктор Юшенко мамлакат бош вазирига телеграмма йўллаб, фавқулодда вазиятлар вазирини Нестор Шуфрични вазифасидан озод этишни талаб қилди.

«Интерфакс» ахборот агентлиги хабарига қараганда, президент Херсон вилоятидан сафардан қайта туриб ушбу ҳудуддаги ўрмоннинг катта қисми ёнаётганини кўрган. Ваҳоланки, бир кун олдин вазир президентга ёнгиналар бутунлай ўчирилгани ҳақида ахборот берганди.

Юшенко вазирни жойлардаги вазиятдан беҳабарликда айблади. Шу билан бирга, ёнгиналарни ўчиришга армияни ҳам сафарбар қилиш лозимлигини таъкидлади.

Довул келтирган зарар

Мексиканинг Ютакан яриморалига «Дин» довули етиб келгани ҳақида хабар берган эдик. Дастлабки маълумотларга қараганда, довул натижада курбонлар бўлмаган.



Лекин мамлакат президенти Фелипе Кальдероннинг таъкидлашича, ҳозирча узоқ туманлардан жабрланганлар ҳақидаги хабарлар тўлиқ келиб бўлгани йўқ. Мутахассисларнинг қайд этишича, довулга аввалдан тайёрланганлар кам бўлди, Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, довул тўғрисида мамлакат ҳазинасига 500 миллион доллар миқдорда зарар етган.

Самодаги можаро

Кеча Россиянинг «Ту-95» бомбардимончи самолёти Буюк Британия ҳаво чегаралари яқинида пайдо бўлди. Бунга қарши Қироллик ҳарбий ҳаво кучларининг Турбооп қирувчи самолётлари самога кутарилиди. Шундан сўнг «Ту-95» орқага қайтди.

Ҳарбий шарҳловчи Жейф Миднинг таъкидлашича, Россия самолёти шу йўл билан Буюк Британия ХҲКнинг жанговар тайёрларик даражасини синаб кўрган.

Россия ҳарбий ҳаво кучлари вакилининг қайд этишича, «Ту-95» ҳеч бир давлатнинг ҳаво чегарасини бузмаган ва ҳеч кимга ҳавф солмаган.

Кейинги бир ярим ой давомида Россиянинг «Ту-160» ва «Ту-95МС» стратегик бомбардимончи самолётлари Атлантика, Тинч океанлари ҳамда Қора денгиз ва Шимолий кутб акваторияларида режадаги училарни амалга оширмоқда, — деди «Интерфакс» мухбирига РФ ХҲК қўмондони ёрдамчиси, полковник Александр Дробшевский.

Суратга олиш пайтида...

Шу кунларда Берлинда «Валькирия» фильми суратга олинмоқда.

Унда машҳур актёр Том Круз бош роллардан бирини ижро этапти. Кеча фильмининг наватбадаги лавҳасини суратга олиш жараёнида ҳалокат руй берди. Юк машинасида кетаётган актёрлар бурилишга келганда борт синиб кетиши оқибатида ерга йиқилиб тушиди. Натижада, 11 нафар актёр тан жароҳати олди. Шифокорларнинг сузларига қараганда, улардан бирининг аҳоли оғир.



Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ХОРИЖИЙ КОРХОНА

Фаргона вилоятининг Марғилон шаҳрида лойиҳани амалга ошириш учун қуйидаги мутахассисларни танлов асосида ишга таклиф этади:

- Бўйаш ускуналарини йиғиш, сошлаш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича муҳандис-механик;
- Тўқимачилик саноати муҳандис-электрики;
- Тўқимачилик ускуналарини таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича механиклар;
- Тўқимачилик ускуналарини бўйича слесарь-созловчилар;
- Пайвандчилар;
- Техник ходимлар;
- Қурувчи ва ёрдамчи ишчилар

Ишга кирмоқчи бўлганларнинг ўзлари ҳақидаги маълумотлари (телефонлари билан) 2007 йил 15 сентябрга қадар қабул қилинади

E-mail: susana@clcindia.uz Fax: +998 71 120 43 06

Кўшимча маълумот учун телефон: +998 71 120-48-00. Ички телефон: 1202


Аҳоли ва харидорлар диққатига!

«ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИНИНГ КЎРГАЗМА-ЯРМАРКА САВДОСИ РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИ» ЭПИК АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ БИНОСИДА

25 – 30 август кунлари республика фермер ва деҳқон хўжаликларида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг

САВДО ЯРМАРКАСИ ўтказилади.

Ушбу ярмаркада қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, шу жумладан, хўл мева, картошка, пивз, тухум, гуруч, полиз ва гўшт маҳсулотларини харид қилишингиз мумкин.



Ярмарканинг иш тартиби соат 9.00 дан 19.00 гача. Манзил: Шайхонтоҳур тумани, Беруний кўчаси, 41-йў.

Ярмаркага марҳамат! «ЎЗУЛГҲҲСАВДОИНВЕСТ» УЮШМАСИ.

31 август — Қатагон қурбонларини ёд этиш куни

Мустақиллик даври неъматларидан баҳраманд бўлиб яшашганимизга ўн олти йил бўлди. Бинобарин, жамиятимиз кундан-кунга яшариб ва янгилини бормоқда. Шу билан бирга, мустақил тузумнинг халқимиз тарихида қолдирган дахшатли асоратлари биздан ҳаммаша оғоҳлик талаб этади.

моат арбоби ва маърифатпарвар инсон туғрида шу вақтга қадар матбуотда бирор маълумотнинг эълон қилинмагандир. Ушбу хотирани тўла келтиришдан яна бир мақсадимиз қатагон даврида Охундийдек ўзбек

лидан бир гули очилмаган етти киши қамоққа олинади. Булар Аъзам Афзалов, Мирзақалон Исмомил, Ашраф Хўжаев, Собир Турсунов, Раҳмат Қурбонов, Дилшод Сулаймонов ва Сиддиқ Ходиевдир. Улар терговчиларнинг макри-таъйиқи билан мактабда миллатчилик руҳида тарбия топганлари ҳақидаги суҳбатномага имзо чекканлар. Мазкур маҳбуслардан бирининг терговчига берган маълумотида кўра, Чўлпон унга очикдан-очик бундай деган эмиш: «Укам, сиз ҳали ёшсиз. Сиз ҳали миллатнинг бахт-саодати йўлида олиб бориладиган фаолиятда муқаррар бўлган қийинчиликларни синаб кўрмагансиз. Мен сизга шу қийинчиликларни синаб кўришни, мард бўлишни, миллатни бало-қазолардан сақлашни тавсия қилган бўлардим».

АЖДОДЛАР ИБРАТИ

Камина тақдир тақозоси билан бир неча йилдан бери қатагон даври тарихи ва қурбонларнинг фожияли тақдирини ўрганиб қолам. Одатда, инсон ва жамият ҳаётининг тарихий масаллари билан шуғулланган киши, ҳатто, факулда дахшатли воқеаларга ҳам сезин-аста кўнжик ҳосил қилиб боради. Аммо собиқ совет давлати раҳбарларининг миллионлаб кишиларни тарихий ватанларидан кўчириб, бошқа ўлкаларидан олиб бориб ташлаши ва қўл сифатида ишлатиши, халқнинг «гули» бўлган элчиларни бекордан-бекорга қириб юбориши сингари воқеаларга асло кўнжик мумкин эмас. Бу ҳар қандай соғлом инсон учун ақл бовар қилмас ҳолатдир. Юртбошимиз ана шу руҳий ҳолатни қалбдан ҳис этиб, одилна сўзларни айтган: «Жафокаш халқимиз асрлар мобайнида не-не оғир синовлар, машаққатли кунларни кўрмади. Уз озодлиги, эркинлиги, тинч ҳаёти йўлида курашиб, беҳисоб қурбон берган ота-боболаримиз жасорати тарихий хотирамиздан ҳеч қачон ўчмайди».

Бундан бир неча йил муқаддам қатагон даврининг жабрдийданидан бири, таниқли жамоат арбоби Сулаймон Азимов билан суҳбатлашганимизда, у ўзи яшати таниб, салом-алиқ қилган ва қўл бериб сурашган кишилардан 130 нафарининг 30-40-йиллар қатагонда қурбон бўлганини айтган эди. Агар ҳар бир кекса замондошимизга яшати таниш бўлган 100-130 ки-

шнинг қатл этилганини назар-этибorda тутсақ, ўша муҳим даврида халқимизнинг нечоғли катта талафот кўргани ойдек равшан бўлади. Улар оддий кишилар эмас, балки халқ ақлий ва иқдодий салоҳиятининг тимсоли эдилар.

С. Азимов муқбирлардан бирининг саволига жавоб берар экан, ўша 130 кишидан айримларини эслаб, масалан, бундай дилсўзларини айтган эди: «Холмуҳаммад Охундий баланд бўйли, савлатли киши эди. У араб, форс, рус ва ўз она тилини жуда пухта ағаллаганди. Бундан ташқари, яхши Ўза биладиган, кенг маълумотли элчи эди. Туркистонда миллий чегараланиш ўтказилмасидан аввал у «Фарғона» газетасида муҳаррир бўлган. Мазкур газетда навбат билан Х. Охундий, Лутфулла Олимий, Абдулла Раҳмат муҳаррирлик қилишган.

У Москва марказидаги «Восток» кинотеатри жойлашган бинонинг тегасида турткини қаватда истикомат қиларди. Жуда камтарин яшарди. Бир хонали туржоний бўларди. Ошқона эса умумий. Столиннинг устидас туржон ҳам бўлмади, унга қуруқ қиёна солинарди. Чойнақ, стакан, лиёлалар ҳам ҳар хил. Аммо унинг суҳбатидан киши бир олам роҳат оларди, кўп баъни гапирарди. Гаплари ихчам ва чиройли бўларди».

жалқининг руҳий ва маънавий бойлигини ўзида жаммасангирган қанчадан-қанча сиймо-ларнинг йўқ қилиб юборилгани ва шу дахшатли воқеанинг халқимиз руҳига гўя катта салбий таъсир кўрсатганини таъкидлаш ҳамда унга буғунги авлод эътиборини қаратишди.

Шўролар тузуми ҳар бир миллатнинг ифтихори ва келажиги бўлган кишиларни йўқ қилиш учун турли-туман макр-ларни ўйлаб топган. Шундай ишлардан бири «Асосий қонун дўстлари» деган советларга қарши акциялиқий ташиқлотнинг «Фош этилиш»дир. ОГПУнинг Урта Осиёдаги Доимий вакилиги томонидан «Фош этилган» бу ташиқлот гўё совет давлатига қарши амалий ишларини кенгайтириш учун Чўлпон ва Раҳим Имомов сингари акциялиқий-миллатчилик ҳаракатининг «идеологлар»и билан яқин алоқада бўлишга уринган. Хуллас, ОГПУ Урта Осиё бўлимининг «хўшёрлиги» билан ўша пайтда ҳали ўн гу-

Шу нарса қарорбикки, йиллар ўтганига қарамай, ХХ аср жабрдийдани руҳий ҳаётимизнинг бир парчаси, ҳақ ва ҳалол йўлдан олға боришимиздан манфаатдор ота-боболар сифатида яшашда давом этмоқдалар. Шунинг учун ҳам улар бизнинг хотирамизда, халқ хотирамизда абадий қолажақ.

Қатагон қурбонлари... Ватан озодлиги ва халқ бахт-саодати йўлида шахид кетган аждодлар... Биз муборак номларини тилга олиб, машаққатли ҳаёт йўлларига назар ташлар эканмиз, уларнинг баҳадурлиги мустақиллик шарофати, Юртбошимизнинг жасорати ва иродаси туфайли эканлигини ҳаммаша ёдда тутамиз. Усиб келаётган ёш авлоднинг Ватан ва халқ ишига камарбаста бўлган аждодлардан иборат олиши, уларнинг ватанпарварлик, миллатпарварлик, тараққиётпарварлик, фидойилик аъёналарини давом эттиришлари шубҳасиздир.

Наим ҚАРИМОВ, «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғораси раиси.

СПОРТ



Қосимжонов

Кучилар сафида Германиянинг Майн шаҳрида дунёнинг кучли грассмейстерлари ўртасида шахмат фестивали ўтказилгани ҳақида хабар бергандик.

Кўни кенча ана шу фестивал доирасида тезкор шахмат бўйича жон чемпионати бўлиб ўтди. Унда ҳамюртимиз, собиқ жон чемпиони Рустам Қосимжонов ва франциялик шахматчи Этьен Бахро бир хил очко жамғариб, ўчинчи ўриндан жой олишди. Финляндия арманистонлик Левон Аронянни 2,5:1,5 ҳисобида мағлубиятга учратган ҳиндистонлик Вишванатан Ананд турнир ғолиби бўлди.

З. ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қаршида

«Челленжер» турнири Қарши шаҳридаги марказий теннис кортида АТР таснифига кирувчи «Челленжер» халқаро турнири бошланди.

Унда жоннинг ўн тўққиз давлатдан келган кўчи ракетка усталари иштирок этмоқда.

Кадимий Насафда халқаро теннис муسابакларини ўтказиш аъёнана айланиб қолди. Ҳар йили «Фючер» турнири ташкил этилган бўлса, бу йил қаршиликлар соврин жамғораси 35-минг АҚШ долларига тенг «Челленжер» турнирига мезбонлик қилишмоқда. Мусобақалар 25 август-гача давом этади.

Б. НОҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

МОЛИЯ ВА КРЕДИТ; ХАЛҚАРО ВАЛЮТА-КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИ; БУХГАЛТЕРЛИК ҲИСОБИ; АУДИТ ВА БОШҚА МУТАХАССИСЛИКЛАР

бўйича олий иқтисодий маълумотга эга бўлган, Тошкент шаҳрида доимий яшаш учун рўйхатдан ўтган

ИҚТИСОДЧИЛАРНИ ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Ишга қабул қилишда чет тиллар (асосан инглиз тили)ни биладиган ва банк тизимида иш стажига эга бўлган мутахассисларга устунлик берилади.

Мурожаат учун телефонлар: 112-60-65, 112-60-64.

«Крокус Газ Сервис» ҚК

«Газсервис» ЕАЖ ва «Сигнал» ЭАЖнинг Ўзбекистон ҳуқуқдаги расмий вақили бўлиб, турли русум ва катталикдаги қозонларни тақлиф этади:

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари (200 кВт ва 400 кВт);
буғ қозонлари (соатига 500 кг дан 4000 кг гача);
икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари (100 кВт ва 200 кВт);
ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар (7 кВт дан 16 кВт гача);
ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар (20 кВт дан 100 кВт гача);
ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар (10 кВт дан 40 кВт гача).

Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга. Барча қозонлар учун қополат — 24 ой.

Кўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:
1. Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, саноят моллари қаторидаги 1-дўкан. Тел.: 306-40-39, 133-44-73.
2. Тошкент ш., С. Азимов ва «Ўзбекистон овози» кўчалари кесишган жойда (Мўлжал: Шастри хайкали, эски хайвонот боғи). Тел./факс: 132-21-22, 176-77-34.

Ушбу жойда СИЗНИНГ рекламаниз бўлиши мумкин эди!

«Халқ сўзи»даги Реклама бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!

GAZ RUSUMLI AVTOMOBILLAR. Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS. КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА. Models: GAZ-3221, GAZ-31105, GAZ-33023, GAZ-33027, GAZ-3307, GAZ-3302, GAZ-3309, GAZ-3307, GAZ-2705, GAZ-32214. Includes contact info for 100015, Uzbekistan Republic, Tashkent.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ. «МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобиллари ва улар негизда тайёрланган махсус техникалари (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) тақлиф этади. МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ. (Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни тақлиф этади.

«СОВПЛАСТИТАЛ» ҚК. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб қўшма корхона ташкил этилганлигининг 20 йиллиги арафасида. ишлаб чиқараётган махсулотларига ўз тарихида мисли кўрилмаган даражада куйидаги ЧЕГИРМАЛАРНИ эълон қилади: Барча турдаги пластмасса махсулотларига 30% дан 50% гача. Сополдан ишланган махсулотларга 30% гача. Юқори бадий чинни махсулотларига 20% гача. Матодан ишланган сунъий гулларга 30% гача.

«Yengilsanoatinvest» АЖ акциядорлари диққатига! Акциялар эгаси ҳақида аниқ маълумот тузиш, шунингдек, қимматли қозғалар бўйича ҳуқуқлар тақдорланмаслиги ва юз бериши мумкин бўлган ноаниқликларни бартараф этиш мақсадида «Yengilsanoatinvest» АЖ акциядор эгаларидан ўзлари ҳақида куйидаги маълумотларни тақдим этишларини сўрайди: Жисмоний шахслар учун. Table with columns: Иسمى-шарифи, Серияси, Рақами, Берилган санаси, Ким томондан берилган, Манзил, Қайд қилинган манзили. Маълумотга паспорт нусхаси илова қилиниши лозим. Юридик шахслар учун. Table with columns: Номи, Серияси, Рақами, Берилган санаси, Ким томондан берилган, Манзил, Юридик манзили, СТИР, КТУТ. Маълумот куйидаги манзилга юборилиши лозим: Ўзбекистон Республикаси, 100100 (абонент кутиси 3994), Тошкент шаҳри, Братислава (собиқ Глинка) кўчаси, 1-«А» уй, «Yengilsanoatinvest» АЖ. Телефон: 54-64-49.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 25012 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25. Манзил: 100000, ТСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орплов. Навбатчи муҳаррир — М. Жонхонов. Навбатчи — Ф. Саъев. Мусахҳад — М. Якубова. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.00 Топширилди — 24.00 1 3 4 5 6